



ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТАКРОРАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛИШИНING ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Юсупов Ойбек Луқмон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21870400>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 06-avgust 2026 yil

Ma'qullandi: 08-avgust 2026 yil

Nashr qilindi: 10-avgust 2026 yil

KEY WORDS

Мазкур ҳуқуқий механизм Қонуннинг 25-моддасида янада аниқлаштирилган бўлиб, унда илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига оид чора-тадбирлар алоҳида тартибда мустаҳкамланган.

ABSTRACT

Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда шахснинг ижтимоий ҳимоясини кафолатлашга доир фундаментал принциплар белгиланган бўлса, мазкур конституциявий қоидаларнинг амалий механизми соҳавий қонунлар орқали рўёбга чиқарилади. Шу маънода жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур Қонун профилактика соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, профилактика субъектларининг ваколатлари, уларнинг ўзаро ҳамкорлик механизми ҳамда алоҳида тоифадаги шахсларга нисбатан профилактик таъсир чораларини белгилаб берувчи асосий соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда шахснинг ижтимоий ҳимоясини кафолатлашга доир фундаментал принциплар белгиланган бўлса, мазкур конституциявий қоидаларнинг амалий механизми соҳавий қонунлар орқали рўёбга чиқарилади. Шу маънода жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур Қонун профилактика соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш, профилактика субъектларининг ваколатлари, уларнинг ўзаро ҳамкорлик механизми ҳамда алоҳида тоифадаги шахсларга нисбатан профилактик таъсир чораларини белгилаб берувчи асосий соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Қонуннинг 24-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳуқуқбузарликларни бевосита профилактика қилувчи орган ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда шарт-шароитларини бартараф этиш, хавф гуруҳига кирувчи шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан мақсадли профилактик таъсир чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга қаратилган фаолияти сифатида белгиланган¹. Мазкур норма ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда умумий профилактикадан фарқли равишда муайян шахслар тоифасига нисбатан ихтисослашган ёндашувни назарда тутди. Айниқса, ушбу моддада махсус профилактикани амалга ошириш учун айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг кўпайиши ҳамда жамоат хавфсизлигига таҳдид юзага келиши асос сифатида белгиланганлиги жазодан озод қилинган шахсларнинг такроран жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган тоифа сифатида алоҳида профилактик таъсир объекти ҳисобланишини англатади².

Мазкур ҳуқуқий механизм Қонуннинг 25-моддасида янада аниқлаштирилган бўлиб, унда илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига оид чора-тадбирлар алоҳида тартибда мустаҳкамланган. Хусусан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш, улар учун махсус профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш, жазони ўташ давридаёқ ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш, озодликка чиққанидан кейин эса уларни ижтимоий реабилитация қилиш, ижтимоий мослаштириш ҳамда меҳнат билан таъминлаш чораларини амалга ошириш назарда тутилган³. Бу эса миллий қонунчиликда жазодан озод қилинган шахслар билан ишлашда “жазо – реабилитация – ижтимоий мослашув – профилактика” занжири ҳуқуқий жиҳатдан шакллантирилган-лигини кўрсатади⁴.

Бироқ мазкур моддада назарда тутилган чора-тадбирлар асосан умумий вазифаларни белгилаш билан чекланган бўлиб, жазодан озод қилинган шахсларни рецидив хавфи даражаси бўйича баҳолаш, индивидуал профилактика дастурларини ишлаб чиқиш, профилактика натижадорлигини баҳолаш ҳамда идоралараро рақамли ҳамкорлик механизмлари аниқ тартибга солинмаган. Бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида профилактика чораларини индивидуаллаштириш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Шу билан бирга, Қонуннинг 25-моддаси илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига доир асосий чора-тадбирларни белгилаган бўлса-да, мазкур чоралар асосан умумий ташкилий йўналишларни қамраб олган. Ваҳоланки, бугунги жадаллашаётган криминологик ёндашувларда жазодан озод

¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 14.05.2014 йилдаги ЎРҚ-371-сон. URL: <http://lex.uz>.

² Эшназаров М.Ж., Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари // Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институтининг ахборотномаси. – Тошкент, 2019. – № 3(7). – Б. 57–61.

³ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 14.05.2014 йилдаги ЎРҚ-371-сон. URL: <http://lex.uz>.

⁴ Эшназаров М.Ж. Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини тартибга солувчи қонун нормалари ижросини таъминлаш муаммолари // Конституция – тинчлик ва тараққиёт кафолати: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кўннинг 27 йиллик байрамини нишонлаш мақсадида ўтказилган Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2019 йил 5 декабрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – Б. 88–94.

қилинган шахсларнинг такроран жиноят содир этишига таъсир этувчи асосий криминоген омиллар сифатида ишсизлик, касбий кўникмаларнинг етишмаслиги, психологик муаммолар, ижтимоий мослашувнинг мураккаб кечиши ва жамиятдан четлашиш ҳолатлари эътироф этилмоқда. Шу сабабли мазкур моддада назарда тутилган махсус профилактика чораларини янада аниқлаштириш ва кенгайтириш объектив зарурат ҳисобланади.

Хусусан, ўтказилган социологик тадқиқот натижалари ҳам ушбу йўналишдаги қонунчилиқни такомиллаштириш зарурлигини тасдиқлайди. Жумладан, респондентларнинг 91 фоизи Қонуннинг 25-моддасига жазодан озод қилинган шахсларни касбга ўқитиш бўйича махсус профилактика тадбирларини амалга ошириш ҳақидаги нормани киритишни қўллаб-қувватлаган⁵. Мазкур натижа меҳнат билан таъминлаш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш такроран жиноят содир этишнинг олдини олишнинг энг муҳим омилларидан бири эканлигини кўрсатади. Шу муносабат билан, Қонуннинг 25-моддасини мазкур мазмундаги алоҳида норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, тадқиқот иштирокчиларининг 85 фоизи мазкур моддага жазодан озод қилинган шахсларни психологик реабилитация қилиш ва психологик қўллаб-қувватлаш чораларини киритиш зарурлигини қайд этган. Бу эса жазодан озод қилинган шахсларнинг қайта жиноят содир этиши фақат ижтимоий-иқтисодий эмас, балки психологик омиллар билан ҳам узвий боғлиқ эканлигини тасдиқлайди⁶. Шу боис махсус профилактика тизимида психолог иштирокини мажбурий элемент сифатида белгилаш ҳамда психологик диагностика, коррекцион дастурлар ва психологик кузатувни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундан ташқари, ўтказилган социологик сўровда қатнашган респондентларнинг 85 фоизи “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этиш кўрсаткичининг ортиши ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун мустақил асос сифатида белгиланиши лозимлигини маъқуллаган⁷. Фикримизча, амалдаги таҳрирда махсус профилактикани бошлаш асослари умумий тарзда белгиланган бўлиб, жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этиш динамикаси алоҳида ҳуқуқий асос сифатида назарда тутилмаган. Ваҳоланки, мазкур кўрсаткичнинг ортиши муайян ҳудудда ёки алоҳида тоифадаги шахслар ўртасида криминоген вазиятнинг ёмонлашаётганлигини англатади ва бу махсус профилактика чораларини кечиктирмасдан амалга оширишни тақозо этади.

Демак, Қонуннинг 24 ва 25-моддаларига юқоридаги таклифларнинг киритилиши жазодан озод қилинган шахслар билан ишлашнинг мазмунини фақат назорат қилишдан реабилитация, ижтимоий мослаштириш, меҳнат билан таъминлаш ва психологик қўллаб-қувватлашга асосланган комплекс профилактика моделига ўтказиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида такроран жиноят содир этилишининг сабаб ва шарт-

⁵ Илова 1. Тадқиқот доирасида ўтказилган социологик сўров натижалари.

⁶ Ўша манбаа.

⁷ Ўша манбаа.

шароитларини бартараф этишга ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

Бироқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий ҳуқуқий асослари ҳамда илгари судланган шахслар билан ишлашнинг асосий йўналишлари “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунда белгиланган бўлса-да, мазкур чора-тадбирларнинг бевосита амалга оширилиш механизми 2024 йил 7 август кuni қабул қилинган “Пробация тўғрисида”ги Қонунда янада такомиллаштирилди⁸. Мазкур Қонун пробация назоратидаги шахсларни қайта ижтимоийлаштириш, уларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини шакллантириш ҳамда такроран ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган комплекс ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаши билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан мазкур Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий принципларини амалий мазмун билан бойитувчи махсус ҳуқуқий институт сифатида баҳоланиши мумкин.

Қонунда пробация жазони ижро этиш ва назорат қилиш билангина чекланмай, маҳкумларга ижтимоий-ҳуқуқий ва тарбиявий таъсир кўрсатиш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи сифатида белгиланган⁹. Шунингдек, инсонпарварлик, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳурмат қилиш, табақалаштириш ва индивидуал ёндашиш принципларининг мустаҳкамланганлиги пробация чораларини шахснинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб белгилаш имконини беради. Мазкур ёндашув халқаро амалиётдаги «Хавф – эҳтиёж – таъсирчанлик» (Risk–Need–Responsivity — RNR) модели ғоялари билан ҳамоҳангдир. Қонунда пробация хизматида такроран ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфини аниқлаш, уни бартараф этишга қаратилган профилактика чораларини амалга ошириш ва индивидуал ижтимоий мослаштириш дастурларини ишлаб чиқиш вазифаларининг юклатилиши профилактикада хавфни олдиндан аниқлаш ва бошқаришга асосланган ёндашув шаклланаётганини кўрсатади.

Қонуннинг энг муҳим янгиликларидан бири пробация назоратидаги шахс учун индивидуал ижтимоий-психологик қиёфа тузилиши ва шу асосда индивидуал ижтимоий мослаштириш дастури ишлаб чиқилишидир. Қонунга мувофиқ, мазкур дастур шахсга ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш, унинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ишга жойлашиши ҳамда жамиятга қайта интеграциялашувини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади. Илмий нуқтаи назардан мазкур механизм такроран жиноят содир этилишининг оқибатлари билан эмас, балки уни келтириб чиқарувчи криминоген омиллар билан ишлашга қаратилган профилактиканинг замонавий модели сифатида баҳоланиши мумкин¹⁰.

Шу билан бирга, тадқиқот доирасида ўтказилган ҳуқуқий таҳлил шуни кўрсатадики, Қонунда ижтимоий мослаштириш ва индивидуал ёндашув институтлари

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 07.08.2024 йилдаги ЎРҚ-938-сон. URL: <https://www.lex.uz>.

⁹ Аманов А.А. Ўзбекистон республикасида пробация фаолиятининг ҳуқуқий мақоми ва ушбу фаолиятни ташкил этиш тартиби // YOTA. 2024. №12. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekiston-respublikasida-probatsiya-faoliyatining-u-u-iy-ma-omi-va-ushbu-faoliyatni-tashkil-etish-tartibi> (мыр. вақти: 02.12.2025).

¹⁰ Аманов А.А. Пробация фаолияти тушунчаси ва аҳамияти // CAJEI. 2025. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/probatsiya-faoliyati-tushunchasi-va-a-amiyati-1> (мыр. вақти: 4.12.2025).

мустаҳкамланган бўлса-да, рецидив хавфини баҳолашнинг ягона илмий методикаси, хавф даражасига қараб профилактика чораларини табақалаштириш мезонлари ҳамда уларнинг натижадорлигини баҳолаш индикаторлари норматив даражада аниқ белгиланмаган. Фикримизча, айнан мазкур механизмларни қонунчиликда мустаҳкамлаш пробацция институтини янада самарали фаолият юритишига ҳамда жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш имкониятларини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, амалдаги «Пробацция тўғрисида»ги Қонунни рецидив хавфини баҳолашнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган нормалар билан такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, Қонунни **“Пробацция назоратидаги шахснинг такроран ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфини баҳолаш”** деб номланган **янги 48¹-модда** билан тўлдириш лозим.

Мазкур моддада пробацция назоратидаги шахсга нисбатан такроран ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этиш хавфини илмий асосланган методика бўйича баҳолаш, баҳолаш жараёнида шахснинг аввалги судланганлиги, жиноят содир этиш тарихи, ижтимоий-психологик хусусиятлари, меҳнат билан бандлиги, оилавий муҳити, таълим ва касбий тайёргарлиги, зарарли одатлари, жиноий муҳит билан алоқадорлиги ҳамда ижтимоий мослашув даражаси каби криминоген омилларни ҳисобга олиш назарда тутилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, баҳолаш натижаларига кўра шахсларни **“наст, ўрта ва юқори рецидив хавфи”** тоифаларига ажратиш ҳамда ҳар бир тоифа учун профилактика чоралари, ижтимоий мослаштириш дастурлари ва пробацция назоратининг интенсивлигини дифференциация қилиш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши зарур.

1. Таҳлиллар жазодан озод қилинган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг самарали профилактикаси назорат чоралари билан чекланмасдан, уларни ижтимоий мослаштириш, касбга ўқитиш, меҳнат билан таъминлаш ва психологик қўллаб-қувватлашни қамраб олган комплекс ёндашувга асосланиши лозимлигини кўрсатади. Шу билан бирга, такроран жиноят содир этиш хавфини илмий асосда баҳолаш, шахсларни хавф даражаси бўйича табақалаштириш ҳамда профилактика ва пробацция чораларини индивидуал белгилаш механизмларининг қонунчиликда мустаҳкамланиши мазкур соҳадаги профилактика самарадорлигини оширишга хизмат қилади.